

Philosophy and Life

FALSAFA VA HAYOT • ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ

№1 (Maxsus son) 2020



ISSN 2181-9505

Doi Journal 10.26739/2181-9505

**O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi
O‘zbekiston falsafa jamiyati**

**Международный научно-исследовательский центр Имам Бухари
при Кабинете Министров Республики Узбекистан
Философское общество Узбекистана**

**Imam Bukhari International Research Center under the Cabinet of Ministers
of the Republic of Uzbekistan
Philosophical Society of Uzbekistan**

**FALSAFA VA HAYOT
XALQARO JURNAL**

**ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ**

**PHILOSOPHY AND LIFE
INTERNATIONAL JOURNAL**

2020 №1 Maxsus son

Jurnal bir yilda 4 marta nashr qilinadi.
Журнал выходит 4 раза в год.
The journal is published 4 times in a year.



Toshkent - 2020

FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL

№SI (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI>

Tahrir kengashi:

Abdildina, R.J. — Qozogʻiston FA akademigi, f.f.d., professor

Askarov, T.A. — Qirgʻiziston FA akademigi, f.f.d., professor

Bazarbayev, J. — Oʻzbekiston FA akademigi, f.f.d., professor

Bashimov, V.V. — Turkmaniston milliy taʼlim instituti direktori

Werner Bush — dunyo professorlari uyushmasi exs prezidenti DSc, professor (Germaniya)

Mamedzade, I.R. — Azarbayjon FA Falsafa va sotsiologiya instituti direktori, f.f.d., professor

Morevedge, P. — AQSH dunyo olimlari departamenti raisi, DSc, professor

Nisanbayev, A.N. — Qozogʻiston FA akademigi, f.f.d., professor

Skarantino, L.M. — Jahon falsafa jamiyatlari federatsiyasi prezidenti, DSc, professor, (Italiya)

Smirnov, A.V. — Rossiya FA akademigi, Rossiya FA “Falsafa” instituti direktori, Rossiya Falsafa Jamiyati prezidenti, f.f.d., professor (Rossiya)

Tursunov, A. — Tojikiston FA akademigi, f.f.d., professor (Tojikiston)

Tsuy Veyxan — Xitoy ijtimoiy fanlar Akademiyasi vitse-prezidenti, DSc, professor, (Xitoy)

Chumakov, A.N. — Rossiya FA Falsafa instituti professori, f.f.d., (Rossiya)

Muassislar:

Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Imom al Buxoriy xalqaro ilmiy — tadqiqot markazi

Oʻzbekiston falsafa jamiyati

OOO tadqiqot

Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiyasi komissiyasi rayosatining qarori bilan maxsus jurnallar roʻyxatiga kiritildi. 2018-yil 29-dekabrda 260/7 sonli bayonnoma

Roʻyxatga olinganligi haqidagi 1175 sonli guvohnoma Oʻzbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 20.02.2018 yilda berilgan.

Bosh muharrir:

Shermuhamedova, N.A., — f.f.d., professor (Oʻzbekiston)

Bosh muharrir oʻrinbosari:

Muhamedova, Z.M., — f.f.d., professor (Oʻzbekiston)

Masʼul muharrir:

Safayeva, S.X., — f.f.n., dotsent (Oʻzbekiston)

Tahrir hayʼati:

Allahyarova, T. — f.f.d., professor (Azarbayjon)

Andirjanova, G.A., — s.f.d., professor (Qozogʻiston)

Abasov, A. S. — f.f.d., professor (Azarbayjon)

Ahamer, G. — PhD, professor (Avstriya)

B.K. Santosh Kukreja, — DSc, professor (Hindiston)

Bodio Todeush, — s.f.d., professor (Polsha)

Bilalov, M. I., — f.f.d., professor (Rossiya)

Berna, A., — PhD, professor (Turkiya)

Vefa Tashdelen, — f.f.d., professor (Turkiya)

Gabitov, T. X. — f.f.d., professor (Qozogʻiston)

Guseynov, S. — f.f.d., professor (Azarbayjon)

Gezalov, A.A., — f.f.n., professor (Rossiya)

Ivatova, L.M., — s.f.d., professor (Qozogʻiston)

Kurmangaliyeva, G.K., — f.f.d., professor (Qozogʻiston)

Lazarevich, A.A., — f.f.n., professor (Belorussiya)

Muzaffarov, M. — f.f.d., professor (Tojikiston)

Morevedge, R. — DSc, professor (AQSH)

Naushanbayeva, A., Hakimogʻli, — PhD filol., professor (Turkiya)

Olatunji Felix. O. — DSc., professor (Nigeriya)

Paxruddinov, Sh. I., — s.f.d., professor (Oʻzbekiston)

Sadikova, N.N., — f.f.d., professor (Tojikiston)

Saifnazarov, I.S., — f.f.d., professor (Oʻzbekiston)

Sergeyev, M.Y., — PhD, professor (AQSH)

Telebayev, G.T., — f.f.d. professor (Qozogʻiston)

Toʻrayev, B. O., — f.f.d., professor (Oʻzbekiston)

Urmanbetova, J.K., — f.f.d., professor (Qirgʻiziston)

Chjan Baychun, — f.f.d., professor (Xitoy)

Shadmonov, Q.B., — f.f.d., professor (Oʻzbekiston)

Fishier, A. — f.f.d., professor (Fransiya)

Yaxshilikov, J. — f.f.d., professor (Oʻzbekiston)

Yaskevich, Y.S., — f.f.d., professor (Belorusiya)

Ilmiy kotib:

Mahkamov, U. (Oʻzbekiston)

Musahhihlar:

Xidirov, M.T., (Oʻzbekiston)

Hamdamova, S. (Oʻzbekiston)

Madiyorova, V. (Oʻzbekiston)

Saurov, R.R., (Oʻzbekiston)

ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

№SI (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI>

Редакционный совет:

Абдильдина, Р. Ж. - академик НАН Казахстана, д.ф.н., профессор
Аскарров, Т. А. - академик АН Киргизистана, д.ф.н., профессор
Базарбаев, Ж. - академик АН Узбекистана, д.ф.н., профессор
Башимов, В. В. - директор национального института образования Туркменистана
Вернер Бун. - экс президент всемирной ассоциации профессоров, доктор философских наук, профессор, (Германия)
Мамедзаде, И. Р. - д.ф.н., профессор, директор института “Философии и социологии” АН Азербайджана
Мореведж, П. - DSc. профессор, руководитель GSP США
Нысанбаев, А.Н. - академик АН Казахстана, д.ф.н., профессор
Скарантино, Л. М. - президент всемирной федерации философских обществ д.ф.н., профессор (Италия)
Смирнов, А. В. - академик АН России, директор института Философии АН России, президент РФО, д.ф.н., профессор (Россия)
Турсунов, А. - академик АН Таджикистана, д.ф.н., профессор
Цуй Вэйхан - Вице-президент Института философии КАОН, д.ф.н., профессор (Китай)
Чумаков, А. Н. - проф. РАН, д.ф.н., (Россия)

Учредители:

Международный научно исследовательский Центр Имама аль Бухари при Кабинете Министров Республики Узбекистан
Философское общество Узбекистана ООО tadqiqot.uz

Решением Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан введен в список специальных журналов. 2018 год 29 декабрь протокол №260/7

Регистрационное свидетельство №1175 выдано 27.02.2018 агенством по печати и информации Узбекистана

Главный редактор:

Шермухамедова, Н. А. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель редактора:

Мухамедова, З. М. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ответственный редактор:

Сафаева, С. Х. - к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Редакционная коллегия:

Аллахьярова, Т. - д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Андиржанова, Г. А. - д.п.н., профессор (Казахстан)
Абасов, А. - д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Ахамер, Г. - PhD, профессор (Австрия)
В.К.Сантош Кукреджа. - PhD, профессор (Индия)
Бодио Тодеш. - д.п.н., профессор (Польша)
Билалов, М. И. - д.ф.н., профессор (Россия)
Берна, А. - PhD.- профессор (Турция)
Вефа Ташделен - д.ф.н., профессор (Турция)
Габитов, Т. Х. - д.ф.н., профессор (Казахстан)
Гусейнов, С. -д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Гезалов, А.А. - к.ф.н., профессор (Россия)
Иватова, Л. М. - д.п.н., профессор, (Казахстан)
Курмангалиева, Г. К. - д.ф.н., профессор (Казахстан)
Лазаревич, А А - к.ф.н., профессор (Беларусия)
Музаффаров, М. - д.ф.н., профессор (Таджикистан)
Мореведж, Р. — DSc. профессор (США)
Наушабаева, А., Хекимоглы - PhD, профессор (Туркия)
Олатунжи Феликс О. — DSc. профессор (Нигерия)
Пахруддинов, Ш.И. - д.п.н., профессор (Узбекистан)
Садикова, Н. Н. - д.ф.н., профессор (Таджикистан)
Саифназаров, И.С. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Сергеев, М. Ю. - PhD, профессор (США)
Телебаев, Г.Т. - д.ф.н., профессор (Казахстан)
Тураев, Б.О. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Урманбетова, Ж. К. - д.ф.н., профессор (Киргизистан)
Чжан Байчун - д.ф.н., профессор (Китай)
Шадманов, К.Б. - д.ф.н. профессор (Узбекистан)
Фишлер, А. - д.ф.н., профессор (Франция)
Яхшиликов, Ж. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Яскевич, Я.С. - д.ф.н., профессор (Беларуссия)

Ученый секретарь:

Махкамов, У. (Узбекистан)

Корректоры:

Хидиров, М.Т. (Узбекистан)
Хамдамова, С. (Узбекистан)
Мадиярова, В. (Узбекистан)
Сауров, Р.Р. (Узбекистан)

PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL

№SI (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI>

Editorial Council:

Abdildina, R.J. - academician AS of Kazakhstan, doctor of philos. sciences, professor

Askarov, T.A. - academician AS of Kyrgyzstan, doctor of philos. sciences, professor;

Bazarbaev, J. - academician AS of Uzbekistan, doctor of philos. sciences, professor

Bashimov B.B. - director of national Institute of education of Turkmenistan

Werner Bush - President of the World Association of Professors, DSc, professor (Germany)

Mamedzade, I.R. - director of Institute "Philosophy and sociology" AS of Azerbaijan doctor of philosophical sciences, professor

Morewedge, P. - Editor-in-Chief; IGDE, DSc, professor USA

Nysanbaev, A.N. - academician AS of Kazakhstan, doctor of philos. sciences, professor

Scarantino, L.M. - President of International Federation of Philosophical societies, professor of philosophy and politics of culture, (Italy)

Smirnov, A.V. - Academician of the Academy of Sciences of Russia, Director of the Institute of Philosophy of the Academy of Sciences of Russia, President RFS, doctor of philos. sciences, professor (Russia)

Tursunov, A. - academician of the ASc of Tajikistan, doctor of philos. sciences, professor

Tsui Weihan - vice-President of the Institute of Philosophy CAAS, doctor of philos. sciences, professor (China)

Chumakov, A.N. - professor RAN doctor of philos. sciences (Russia)

Founders:

Imam al Bukhari International Research Center under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan Philosophical Society of Uzbekistan
OOO tadqiqot

By the decision of the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan entered into the list of special journals. 2018 December 29 Protocol №260 / 7

The registration certificate № 1175 was issued on February 27, 2018 by the Uzbek Agency for Press and Information

Editor-in-Chief

Shermukhamedova, N.A. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Deputy Editor:

Mukhamedova, Z.M. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Managing editor:

Safaeva, S.Kh. - Ph.D. philos., (Uzbekistan)

Editorial team:

Allahyarova, T. - doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)

Andirjanova, G.A. - doctor of political sciences, professor (Kazakhstan)

Abasob, A. S. - doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)

Ahamer G. - PhD, professor (Austria)

B.K. Santosh Kukredja, - PhD., professor (India)

Bodio Todeus. - doctor of political sciences, professor (Poland)

Bilalov, M.I. - doctor of philos. sciences, professor (Russiya)

Berna, A. - PhD., professor (Turkey)

Vefa Tashdelen. - doctor of philos. sciences, professor (Turkey)

Gabito, T.H. - doctor of philos. sciences, professor (Kazakhstan)

Guseynov, S. - doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)

Gezalov, A.A. - PhD. of philos., associate professor (Russia)

Ivatova, L.M. - doctor of political sciences., professor (Kazakhstan)

Kurmangaliyeva, G.K. - doctor of philos., professor (Kazakhstan)

Lazarevich, A. A. - PhD philos., professor (Belarus)

Morewedge, R. - doctor of philology, professor (USA)

Muzaffarov, M. - doctor of philos sciences, professor (Tajikistan)

Naushanbaeva, A., Hakimogli. - PhD. philos., professor (Turkey)

Olatunji, Felix.O. - DSc, professor (Nigeriya)

Pakhrudinov, Sh.I. - doctor of political sciences, professor (Uzbekistan)

Sadikova, N.N. - doctor of philos. sciences, professor (Tajikistan)

Saifnazarov, I.S. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Sergeev, M.Yu. — PhD, philos., professor (USA)

Telebaev, G. T. - doctor of philos. sciences, professor (Kazakhstan)

Turaev, B.O. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Urmanbetova, J.K. - doctor of philos. sciences, professor (Kyrgyzstan)

Zhang Baichun - doctor of philos. sciences, professor (China)

Shadmanov, Q. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Fischler, A. - doctor of philos. sciences, professor (France)

Yaxshllikov, J. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Yaskevich, Ya.S. - doctor of philos. sciences, professor (Belarus)

Scientific Secretary:

Mahkhamov, U. (Uzbekistan)

Correctors:

Khidirov, M.T. (Uzbekistan)

Hamdamova, S. (Uzbekistan)

Madiyorova, V. (Uzbekistan)

Saurov, R.R. (Uzbekistan)

MUNDARIJA / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Allayarova Marhabo Mavlanovna SANʼATNING MAʼNAVİYAT TIZIMI TARKIBIDA TUTGAN OʻRNI VA UNING ESTETIK FIKR TARIXIDAGI TALQINI.....	8
2. Абборхон Асатуллоевич Асатуллоев XX АСР БОШЛАРИ МАЪРИФАТПАРВАРИ АБДУРАҲМОН САЙЁҲ ТОШКАНДИЙНИНГ “ТАНВИР АЛ-АҲДОҚ ФИ-МАКОРИМ АЛ-АХЛОҚ” (ГЎЗАЛ АХЛОҚЛАР БОРАСИДА КЎЗ ГАВҲАРИНИ НУРЛАНТИРИШ) АСАРИДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН АХЛОҚИЙ ФИКРЛАР ТАСНИФИ.....	14
3. Амирхўжаев Шукуржон Қурбонович ИЖТИМОЙ ТИЗИМДА ОИЛА ИНСТИТУТИДА ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	21
4. Вафаева Джамиля Бакиевна К ВОПРОСУ О ВЗАИМОДЕЙСТВИИ СИЛЬНОГО ГОСУДАРСТВА И АКТИВНОЙ ЛИЧНОСТИ.....	29
5. Кубаева Шоира Тошмуродовна ЎЙИН БИОСОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ФЕНОМЕНИ СИФАТИДА (ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ).....	35
6. Комилов Рўзи Рабиевич ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИ НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ҚАДРИЯТГА А ЙЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ.....	41
7. Маматкулов Санжар Тошпулатович ДУНЁҚАРАШ ВА ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯ: СТРУКТУРАВИЙ ТАҲЛИЛ.....	48
8. Маматкулов Санжар Тошпулатович ШАХС ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯСИНИНГ ЭКЗИСТЕНЦИАЛ ВА ТРАНСАКТАНАЛИТИК ТАСНИФИ.....	60
9. Махмудова Азиза Нугмановна ШАХСНИ ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИ НАЗОРАТИДА ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМНИНГ АҲАМИЯТИ.....	71
10. Махмудова Азиза Нугмановна ҲУҚУҚИЙ ОНГ, ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАДОРЛИК.....	77
11. Меликова Мартаба Нумоновна ЭКЗИСТЕНЦИАЛЬНАЯ ФИЛОСОФИЯ АЛИШЕРА НАВОИ.....	86
12. Муминова Зарифа Одилевна ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИНСОН ФАЛСАФАСИДА СИНЕРГЕТИКА ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ.....	93
13. Мирзаева Мохира Қурбановна БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ВА ШАРҚ МУТАФАККИР ОЛИМЛАРИ МЕРОСИНИНГ ДУНЁ ИЛМ-ФАНИ ВА ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ.....	99
14. Сафарова Тумарис Рустамкуловна ЭТНОМАДАНИЙ ТУРИЗМ БОЗОРИ: ТАЛАБЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ ФАЛСАФАСИ.....	107

ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ PHILOSOPHY AND LIFE

Сафарова Тумарис Рустамкуловна
Ўзбекистон миллий университети
таянч докторант
safarova.tumaris@mail.ru

ЭТНОМАДАНИЙ ТУРИЗМ БОЗОРИ: ТАЛАБЛАР ВА ИМКОНияТЛАР УЙГУНЛИГИ ФАЛСАФАСИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-14>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада этномаданий туризм бозорининг имманент хусусиятлари, истеъмолчи (сайёх, томошабин, объект)нинг маънавий эҳтиёжи, қизиқиши ва талаблари билан турфирма (бозор, мутахассис, субъект) имкониятлари ўртасидаги юзага келадиган алоқалар, шартномавий уйғунлик масалалари ёритилади. Этномаданий туризм объект билан субъект ўртасидаги алоқалар ранг-баранглиги билан турли вазиятларни юзага келтириб чиқаради, бу вазиятлар баъзан конфликтга, тўқнашувга олиб келиши мумкин. Бу конфликтни, тўқнашувни ўрганиш, ечиш нафақат ҳуқуқий, шунингдек, фалсафий ёндашишни ҳам тақозо этади. Шунингдек, томонлар ўртасидаги алоқалар учун шартнома ҳуқуқий асос экани таъкидланади, объектнинг талаблари ва субъектнинг имкониятлари ўртасидаги уйғунлик масалалари фалсафий ёндашувни тақозо этади, деган фикр илгари сурилган.

Калит сўзлар: этномаданий туризм, талаб, имконият, шартнома, эҳтиёж, комплекс, этнографик факт, саёхат.

Сафарова Тумарис Рустамкуловна
Национальный Университет Узбекистана
базовый докторант
safarova.tumaris@mail.ru

РЫНОК ЭТНОКУЛЬТУРНОГО ТУРИЗМА: ФИЛОСОФИЯ КОМБИНАЦИИ ТРЕБОВАНИЙ И ВОЗМОЖНОСТЕЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются имманентные особенности рынка этнокультурного туризма, взаимосвязь между духовными потребностями, интересами и требованиями потребителя (турист, зритель, объект) и потенциалом туристического агентства (рынок, специалист, субъект), вопросы договорной совместимости. Разнообразие отношений между объектом и субъектом создает разные ситуации, которые иногда могут привести к конфликту, конфликту. Изучение и разрешение этого конфликта требует не только юридического, но и философского подхода. Также утверждается, что договор является правовой основой отношений между сторонами, и что вопросы совместимости между требованиями объекта и возможностями субъекта требуют философского подхода.

Ключевые слова: этнокультурный туризм, спрос, возможность, договор, потребность, комплекс, этнографический факт, путешествие.

Safarova Tumaris Rustamkulovna
National University of Uzbekistan
doctoral students
safarova.tumaris@mail.ru

ETHNOCULTURAL TOURISM MARKET: PHILOSOPHY OF COMBINATION OF REQUIREMENTS AND OPPORTUNITIES

ANNOTATION

This article discusses the inherent features of the ethnocultural tourism market, the relationship between spiritual needs, interests and requirements of the consumer (tourist, spectator, object) and the potential of a travel agency (market, specialist, subject), issues of contractual compatibility. The variety of relations between the object and the subject creates different situations that can sometimes lead to conflict, conflict. The study and resolution of this conflict requires not only a legal, but also a philosophical approach. It is also argued that the contract is the legal basis of relations between the parties, and that compatibility issues between the requirements of the object and the capabilities of the subject require a philosophical approach.

Keywords: ethnocultural tourism, demand, opportunity, contract, need, complex, ethnographic fact, travel.

Инсон фаолияти ва қизиқишлари маълум бир тартибда, қонуниятларга мувофиқ шаклланади ва рўёбга чиқади. Кишида туризмга бўлган қизиқишнинг пайдо бўлиши, бу маънавий эҳтиёжнинг қонуний талабларга айланиши ва уларнинг туристик институтлар томонидан маълум бир маданий хизматларни уюштириш тарзида қондирилиши ҳам ушбу қонуниятларга мувофиқдир. Аслида, туристда саёхатга бўлган маънавий эҳтиёжнинг, қизиқишнинг шаклланиши, унинг ҳуқуқий талабларга айланиши ва туристик институтлар уюштирадиган хизмат турлари этномаданий туризм комплексини ташкил этади. Бу ўринда сайёхнинг маънавий эҳтиёжи, қизиқиши, унинг маданий гуманитар ҳуқуқи (сайёхнинг маданий хизматларга бўлган ҳуқуқининг шартнома тарзида расмийлаштирилиши) ва турфирма хизматлари уйғун тизимни ташкил этади. Улар ўртасидаги диалектик боғлиқлик, уйғунлик этномаданий туризм комплекси самарали ишлашининг қафолатидир. Бу эса комплексга тизимли функционал ёндашишни, бу ёндашишга ёрдам берувчи иктисодий фалсафий ва институционал (амалий ташкилий) таҳлилни тақозо этади.

Сайёхнинг маънавий эҳтиёжи маълум бир қизиқишлар тарзида келади. Қизиқишдан маҳрум киши йуқ. И.Кант айтганидек, хоҳиш истаклар сезгиларга боғлиқ бўлиб, улар мойиллик деб аталади, барча мойиллик эса “эҳтиёжни кўрсатади”. “Ақлу идрок принципларидан келиб чиқиб, тасодифан ирода орқали белгиланадиган хоҳиш истаклар эса қизиқишни билдиради” [1,Б.251]. Хуллас, эҳтиёж, қизиқиш ва билиш инсонга хос хислатлар сифатида унинг амалий ва табиий фаолиятларида намоён бўлади. Рационал нуқтаи назардан қараганда, инсонинг амалий ва табиий фаолиятлари унинг эҳтиёж, қизиқиш ва билишга бўлган интилишларининг инъикосидир. Ушбу фундаментал хислат барча онгли, рационал фикрлашга мойил кишиларга бирдек хоБ. Бироқ эҳтиёж, қизиқиш ва билишга мойиллик сайёхларда алоҳида воқеликлар сифатида келади, улар бошқа кишилардагидан фарқ қилади. Бу фарқни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- 1) Туристлик объектларни ўрганишга бўлган қизиқишда
- 2) Бирор иктисодий, жугрофий ёки трансмиллий утилитар мақсадни қондиришда
- 3) Бизнес мақсад (режа) ни рўёбга чиқаришга интилишда
- 4) Янги туризм бозорини ташкил этишда

- 5) Туристтик ресурсларни мувофиқлаштириш ва сайёҳлик комплекслари имкониятларидан фойдаланишга интилишда
- 6) Турхизматлардан фойда олиш ва уларни янада ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда

Туризм объектлари ранг-барангдир. Уларга “боқий шаҳар” Римдаги уч минг йиллар аввал қурилган Форум, Колизей, Пантеон каби жаҳонга машҳур обидалар, Миллий Рим музейи, Ватикан саройи ва музейи, Миллий галерея, Микеланжело, Перужино, Боттичелли расмлари билан безатилган Сикстин капелласи, ҳайратли ва маҳобатли Ватикан саройидан, шаҳарлар маликаси Париж ва курорт шаҳар, халқаро туризм маркази Женевадан тортиб то оддий кўл бўйи, у ерга қурилган оддийгина чайлагача туризм объектлари бўлиши мумкин. Қисқаси этномаданий туризмнинг бош объекти маданият ёки этномаданий бойликлар, артефактлардир. Сайёҳат билан маънавий эҳтиёж, қизиқиш ўртасидаги туб яқинлик, барқарор асос: 1) билиш: 2) дам олиш: 3) иқтисодий манфаатдир. Туризм бозори мазкур уч асосга қурилади. Туризм бозори сайёҳни билишга, тарихий-маданий бойликлардан хабардор бўлишга бўлган қизиқишини ўрганиб боришни, қондиришни ўзининг бош вазифаси деб билади. Туризм бозори ўз хизматларини ушбу талабга мувофиқ ташкил этади. Сайёҳлар аудиторияси бир маротабалик, қисқа муддатлик бўлади. Бу ҳол ташки туризмда яққол кўзга ташланади. Ички туризмда эса сайёҳлар бир туристик объектга яна келиши мумкин. Масалан, зиёрат, спорт, тоғ туризмида бу хусусият мавжуд. Демак, туризм бозори аудиториясининг ушбу хусусиятини ҳисобга олади, қайта келадиган туристларга янги-янги ахборотлар, хизмат турлари уюштиради. Бир маротабалик аудиториянинг туризм бозорига қўядиган талаби юқори бўлади, албатта. Улар қисқа вақтидан ва бир маротабалик имкониятидан тўлиқ фойдаланишга интилади, бу эса турфирмага алоҳида масъулият юклайди. Туризм бозорининг қизиқарли ва бетакрорлиги сайёҳларда ижобий таъсурот қолдиради, агар уларнинг ўзи қайта келмаса, юртдошларини келишга ундайди. Сайёҳлар аудиториясининг мазкур дифференциал хусусияти туризм хизматларининг кўлами ва кўринишларини белгилайди.

Туризм бозори сайёҳларга сайр, томоша, саргузашт, этнографик факт, артефактлар тарзидаги ўйин ва товар, хизматларни таклиф этади. Ўйин эркин фаолият тури сифатида сайёҳдан сарф харажат талаб қилмаслиги мумкин, аммо хизмат турлари тақдирланиши, баҳоланиши зарур. Эркин фаолият бўш вақтда кечади. Ўйиннинг ушбу хусусиятини Й.Хайзинга таъкидлар экан, яъни ўйин “одатий ҳаёт” ёки “одатий ҳодиса” эмас, деб кўрсатади. Саёҳат ҳам одатий, ҳар қуни такрорланадиган ҳодиса эмаБ. У ҳам асосий фаолиятдан кейин, бўш вақтда, эркин фаолият тарзида кечади. Ушбу муштараклик ўйин билан саёҳатни бир-бирига яқин воқеликка айлантиради. Ўйин, томоша саёҳатнинг атрибутларидир. Масалан, байдаркада ёки сув остида сузиш (сув туризми), чанада учиш ёки тоғ этакларига чиқиш (тоғ туризми), велотуризм, автотуризм кабиларда ўйин асосий ўринни эгаллайди. Ўйин сайёҳлар учун дам олиш ва ҳордиқ чиқариш усулига айланади. Туризмнинг барча кўринишларида ўйин элементлари қатнашади, аммо улар турли кўламда ва даражада келади. Й.Хайзинга фикрига кўра, ўйин мулоқот ва ҳамжиҳатлик функциясини бажаради. Сайёҳлар ҳам маълум бир гуруҳни, ҳамжиҳатликка асосланган, мулоқотга муҳтож даврани эслатади. Яққа тартибдаги сайёҳ бундай функциядан узоқ бўлиши мумкин, аммо уюшган сайёҳлар гуруҳи мулоқотга, ҳамжиҳат ҳаракат қилишга эҳтиёж сезади. Аслида яққа тартибдаги сайёҳ ҳам туризм бозорига мурожаат этмай, меҳмонхоналар хизматидан фойдаланмай айро қила олмайди. Бироқ унинг бу саёҳати персоналистик хусусиятга эга бўлиб, у туризм бозори хизматидан уюшмаган тарзда, шу мамлакат фуқаролари қаторида фойдаланади. Масалан, унга қайси меҳмонхонага жойлашиши ва қандай йўл транспортларидан фойдаланишини турфирма тавсия этмайди, бу хизмат турларини унинг ўзи эркин, таваққалига танлайди. Яққа сайёҳликда хавф-хатар, вақтни йўқотиш, асаб бузилиши, йўлларда кутиш, оч қолиш каби салбий томонлар мавжуд, шунинг учун чет-эллик туристлар уюшган тарзда саёҳатга чиқишни афзал кўрадилар. Бундай саёҳларга туризм бозори ўзидаги барча хизмат турларини кўрсатади, бу хизматлар сифати учун масъуллиқни ўз зиммасига олади.

Саёхат одатий макон ва вақтда кечмайди, у кундалик фаолият доирасидан, одатий ҳаётдан фарқ қилади. Бетакрорлик, ноодатий воқеа ва ҳодисалар, номаълум муҳит ва маданий артефактлар уни бошқа дунёга, макон ва вақтга ўтказиб қўяди. Натижада туристда янги таассуротлар пайдо бўлади, бу таассуротларнинг қанчалик ранг-баранг ва бетакрор бўлиши туризм бозорига, у таклиф этадиган хизматларга боғлиқдир. Туризм бозори таклиф этадиган “макон ва вақт” сайёҳга таниш бўлган макон ва вақтдан фарқ қилади. Таклиф этилган “вақт ва макон” нинг ўзига хослиги, бетакрорлиги, қадимийлиги ва “ўз ҳолича мавжудлиги” сайёҳ қизиқишини уйғотади, агар таклиф этилган хизмат тури шундай сифатлардан маҳрум бўлса, сайёҳ қизиқиши камаёди ёки сўнади. [2,Б.243,236]. Туризм бозорига қўйиладиган талаб сайёҳ қизиқишини янги-янги объектлар, артефакт ва ҳодисалар билан банд этиш. Туризм бозори шунчаки ижтимоий-иқтисодий манфаатдорликни шакллантирадиган ва қондирадиган хўжалик юритиш усули эмас, у сайёҳ билан турфирма ўртасидаги маданий мулоқот, ўзаро тузилган шартнома, талаб ва имкон уйғунлиги фалсафасидир. Бу фалсафа аввало маданий мулоқот ва ўзаро келишилган шартномани тақозо этади. Маълумки, сайёҳлар турфирмалар билан шартнома (тузар экан, маданий мулоқотга киришадилар, ўз истак ва талабларини шарномага киритадилар). Мутахассисларнинг таъкидлашича, “бозор иқтисодиётида талаб ва имкон икки томоннинг ўзаро келишиши асосида тузиладиган шартнома орқали регуляция қилинади, мижознинг хизмат турларига бўлган талаблари қондирилади”[3,Б.54,56]. Бу шартномада сайёҳнинг талаблари ва турфирманинг имкониятлари ўз ифодасини топади. Этномаданий туризм бозори ушбу келишувга, шартномага мувофиқ шаклланади. Бу талаблар ва имкониятларни уйғунлаштириш алоҳида ёндашувни, кен маънода олиб қараганда талаблар ва имкониятлар уйғунлиги фалсафасини тақозо этади.

Талаблар ва имкониятлар уйғунлиги фалсафаси (ТИУФ) этномаданий туризм бозорининг юрагини ташкил этади, шунинг учун у ҳақда атрофлича тўхталиб, ўз қарашларимизни билдириб ўтишимиз керак. Талаблар ва имкониятлар уйғунлиги фалсафаси моҳиятан хўжалик юритиш фалсафасидир. Унинг негизида талаб (мижоз, истеъмолчи, сайёҳ, реципиент) ва имкониятлар (бозор, сотувчи, турфирма, ташкилотчи) ётади. Талабнинг асосий, мутлақ субъекти истеъмолчи. Бозор иқтисодиёти истеъмолчининг ушбу талабини мутлақлаштиришга интилади. Бу либерал демократия илгари сурадиган принципдир. Рус файласуфи Б.Н.Булгаков истеъмолни хўжалик фалсафасининг марказига қўйган эди. Унинг фикрига кўра, ҳаёт ҳақида барча метафизик мушоҳадалар иқтисодиётга, хўжалик фалсафасига бориб тақалади. Истеъмолчининг талаблари фақат у ёки бу нарсани исташидан, ёки бирор бир нарсани ейиш, ичиш, қабул қилиш, унга эғалик қилишдангина иборат эмас, “истеъмол принципиал тарзда инсон билан борликни моддалар алмашиши орқали боғланишидир” [4,С,73]. Демак, истеъмолчи, талабгор объект, ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи субъект, улар ўртасидаги маданий мулоқот, шартнома хўжалик фалсафасининг мавзуларидир. Этномаданий туризм бозори, умумий бозор иқтисодиёти қонуниятларига амал қилган ҳолда, истеъмолчи (объект)нинг талабини маданий мулоқот ва шартнома марказига қўяди. Ушбу маданий мулоқот ва шартноманинг бузулиши сайёҳ билан турфирма, объект билан субъект ўртасидаги муносабатларнинг ҳам бузулиши ҳисобланади. Хўжалик фалсафаси объект билан субъект муносабатларини шунчаки хизмат турлари билан чегаралаб қўймайди, уларга умум ижтимоийлик, глобаллик, метагалактикалик моҳият бахш этади. Шу нуқта назардан сайёҳ умум сайёрага тааллуқли объект, турфирманинг унга муносабати глобал моҳият касб этади, талаб ва имкониятларнинг уйғунлиги эса метагалактика, Б.Н.Булгаков ибораси билан айтганда, “жаҳон танаси” барқарорлиги ифодасидир [4,Б.65]. Талаб мудом оддий эҳтиёж доирасидан чиқиб, глобал воқеликка айланиш хусусиятига эга. У айрим олган шахснинг талаби даражасидан умуминсоний, метагалактик воқелик даражасига кўтарилиб, ўзининг барча кишилар, этнослар, миллатларга тааллуқли воқелик эканини билдира олади. Инсон яшашга ва фикрлашга мойил экан, у ўз талабларидан глобал борлик яратиш хусусиятини яшира олмайди. Айтмоқчи бўлган асосий фикримиз шундаки, сайёҳлик ва туризм бозори шунчаки тор доирадаги, локал аҳамиятга эга воқеликлар доирасидан аллақачон чиққан, улар бугун глобаллашаётган дунё ва глобаллашаётган муносабатларнинг таркибий қисмига

айланган [5,Б.16,17]. Ҳар қандай глобаллашадиган, умуминсоний, метагалактик воқелик фалсафа объекти бўла олади. Мазкур объектга Талаблар ва имкониятлар уйғунлиги фалсафаси нуқтаи назаридан ёндашиб, ундаги бозор иқтисодиётига оид жиҳатларни аниқлаш, сўнгра хизмат турларини шакллантириш этномаданий туризм комплексига оид жараёнлардир. Туризмнинг субъектлари бугун нодавлат ташкилотлари ҳисобланади. Моҳиятига кўра улар тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи институтлардир. Маълумки, тадбиркорлик эркин тарзда бирор фаолият тури билан шугулланиб, фойда, даромад олишни назарда тутди. Фойда, даромад орттириш ва ўз хизматларига мустақил равишда нархлар, тарифлар қўйиб, шартнома асосида ишлаш тадбиркорлик фаолиятининг асосий хусусиятларидан биридир [6,С,15]. Тадбиркорлик фаолиятининг, бу ўринда этномаданий туризм хизматлари кўрсатишнинг эркин фаолият экани унинг сайёҳ маънавий эҳтиёжларига, қизиқишлари ва талабларига зид қилиб қўймайди. Шартнома икки томонни, талаб ва имкониятларни ҳуқуқий, расмий мувофиқлаштиради.

Талаблар ва имкониятлар уйғунлиги фалсафаси мазкур мувофиқлаштиришнинг хусусиятларини ўрганади, уларнинг умуминсоний, глобал ва метагалактик даражада намоён бўлиши ҳақида маълум бир метафизик мулоҳазалар юритади, умумлашмалар ва пастулатларни илгари суради. Этномаданий туризм бозори маълум бир тартибда қурилади. Бу тартибни аввало бозор иқтисодиётига, тадбиркорлик ва туризмга оид расмий, норматив ҳужжатлар белгилаб беради. Демак, бугун ички ва ташқи туризм бозорини ташкил этишнинг маълум бир норматив асослари мавжуд. Мазкур норматив базани миллий-ҳуқуқий тизимга имплементация қилиш ва бу борадаги миллий тажрибаларни умумлаштириш навбатдаги вазибалардир. Аммо этномаданий туризм бозори фақат маданий хизматлар турларини кафолатловчи ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишдан иборатгина эмаб. Тўғри, шартномалар ушбу хизматлар турларини тўла-тўқис амалга оширишни кафолатлайди, бироқ сайёҳнинг маънавий эҳтиёжлари, қизиқишлари ва талабларини шакллантириш алоҳида маърифий тадбирларни, реклама, кўргазма, артбуклетлар ва ахборот тизимини тақозо этади.

Сайёҳлар талабини ўрганишнинг ўзи муҳим бир соҳадир. Этномаданий бозор конъюктураси аслида ушбу талабларга мувофиқ келиши, шунинг учун бу соҳани ташкил этишнинг замонавий, инновацион усулларини кашф этиб, яратиш борис даркор [7]. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сайёҳлар талабларини ўрганиш деярли ҳеч бир давлатда илмий асосда ташкил этилмаган. Туристлар оқими юқори қолаётган Франция, АҚШ, Италия, Хитой давлатларида ҳам сайёҳлар талаблари динамикасига оид бирор манба, ахборот топиш қийин. Лекин уларга сайёҳларнинг географияси, профессионал интилишлари, у ёки бу маданий хизмат турлари ҳақидаги таклиф ва мулоҳазалари инобатга, ҳисобга олиб борилади. Этномаданий туризм комплексларида юритиладиган таклиф ва мулоҳазалар, ўтказиладиган экспресс савол-жавоблар, видеороликлар ва диск-интервьюлар сайёҳлар талаблари ҳақида маълум бир маълумотлар беради. Бу маълумотлар қандай ва қайси илмий методлар орқали таҳлил қилинади, унинг натижалари келгуси сайёҳлар гуруҳларига қанчалик мувофиқ келади, деган саволларга жавоблар топиш қийин. Сайёҳлар гуруҳининг, аудиториясининг тинмай ўзгариб, янгиланиб туриши талабларни ўрганишнинг универсал услубини, методини топишни тақозо этади, акс ҳолда бир гуруҳда ўтказиладиган кузатиш, меъёрлар навбатдаги гуруҳга мувофиқ келмаслиги аниқ. Бизнинг фикримизча, талаблар ва имкониятлар уйғунлиги фалсафаси ушбу универсал илмий методни яратишга назарий асос бўлиши мумкин.

Этномаданий туризмдаги ўзига хослик, этнографик фактлар ва миллийлик чет эллик сайёҳларни ўзига жалб этувчи омиллар ҳисобланади. Бу омиллар маданий хизмат кўрсатиш объектлари меҳмонхоналар, кемпинглар, турар жойлар, овқатланиш масканлари, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш ўчоқлари, транспорт коммуникация хизматлари, ландшафтлар, хиёбонлар, кутиш ва учрашув залларини ҳам ана шу ўзига хослик талабларига мувофиқ ташкил этилишини тақозо қилади. Хуллас, ҳар бир нарса сайёҳга кўрсатиладиган ва унинг талабларини қондиришга йўналтирилган объект унинг учун бетакрор этнографик факт бўлиши лозим. Институционал нуқтаи назардан уларнинг ўрни ва аҳамияти этномаданий туризм комплексининг бир бутун тизим, самарали ишлашига ёрдам берадиган, бошқариш ва

ташкил этишнинг динамик хусусиятларига мос келадиган уюшган бирлик сифатида фаолият олиб боришни таъминлашдадир [8,Б.23,26]. Урбанизациялашган ҳаёт кишини тез зериктиради, ундаги ҳиссий эмоционал кечинмаларни заифлаштиради. Ҳамма нарсани муҳайё киладиган турмуш тарзи ҳаётга бўлган муносабатни ҳам сийқалаштиради, бир хиллик, монотон ҳатти-ҳаракат ва муносабатлар саргузаштга, турли кечинмаларга ва зиддиятлардан моҳият излаб яшашга ўрганган инсонда фабулисизмни келтириб чиқаради. Ҳаётдан зерикиб, унга бефарқлик кишининг жамиятдан беганалашувига, қочишига сабаб бўлади [9]. Бетакрорлик, миллий этнографик факт ва артефактлар ўзининг янгилиги, сайёҳда янги ҳиссий эмоционал кечинмалар уйғотиши билан этномаданий туризмни мафтункор қилади. Маданий хизматлар объектларида сервисни жаҳон стандартларига кўтариш зарур, бу шубҳасиз, бироқ у чет эллардаги стандартларни, хизмат моделлари ва усулларини айнан такрорлаш бўлмаслиги даркор. Сайёҳнинг маълум бир масофани пиёда, эшак, от аравада ёки отда, туяда босиб ўтиши муҳим ҳиссий эмоционал аҳамиятга эга ҳодиса, сайёҳ бу ҳодисани бетакрор этнографик факт сифатида эслаб юради. Калуга, Суздаль ва Нижний Новгород шаҳарларида чет эллик сайёҳлар учун рус халқининг чет эллик босқинчиларга қарши курашини акс эттирувчи томоша жанрлар намоиш этилади. Бу нафақат чет эллик сайёҳларни кизиқтириш, шунингдек, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун ҳам муҳимдир.

Этномаданий туризм комплексининг асосий қисми кўпроқ икки кўринишда учрайди: биринчиси, тарихий маданий объектлар ва артефактларнинг таркибий қисми сифатида келади ёки уларга яқин маконларга жойлашган бўлади. Иккинчиси, тарихий маданий объектлардан ташқарида, табиий жуғрофий маконда, тоғ ёнбағирларида ёки сув ҳавзалари атрофида жойлашган бўлади. Масалан, Бухоро шаҳридаги Арк қўргони, Мири Араб мадрасаси билан боглик сайёҳат комплекси нафақат тарихий маданий обидалардан, шунингдек, улар атрофидаги меҳмонхоналар, устахона, истироҳат боғлари, чойхона, дўконлар, маиший хизмат ўчоқлари ҳам жойлашган. Кейинчилари этномаданий туризм комплекси яратилганидан кейин юзага келган бўлса-да, ҳозирги пайтда улар сайёҳларнинг турли талабларига хизмат қилмоқда. Хива шаҳридаги Ичан Қала, Шахрисабз шаҳридаги Оқсарой тарихий-маданий комплекслари ҳам туристик хизматлар кўрсатувчи турли объектлар билан уйғунлашиб кетган.

Этномаданий туризм бозорига ҳозирда турдош корхоналарни ҳам киритиш таклиф этилади. Бу ўз навбатида кластер (институционал ёндашув ифодаси) усулини жорий этишга етаклайди. Шунинг учун иқтисодчи Б.Ш.Сафаров ёзади: “миллий туризм хизматлар бозорини барқарор ривожлантириш учун нафақат туризм соҳасини, балки унга турдош бўлган иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари фаолиятини ҳисобга оладиган мажмуавий ёндашув методикасини тайёрлаш талаб қилинмоқда. Бундай методика ўз таркибига ягона мақсадда турдош тармоқлар, ташкилотлар, корхоналарни бирлаштира оладиган туристик кластер усулини қўллаш орқали амалга ошириш мумкин бўлади” [10,Б.20,21]. Мутахассисларнинг кўрсатишича, кластерда институтционал жиҳатлар мавжуд. “Кластер бу муайян бир туман ёки мамлакатда рақобат афзалликларига эга бўлиш мақсадида қарор топган, иқтисодий жиҳатдан ўзаро боглик бўлган фирмалар, таъминотчилар, аралаш тармоқлар ва ташкилотлар умумлашмасидир. Гарвард бизнес мактаби маълумотларига кўра, АҚШ иқтисодиётида 32% дан зиёд бандликни кластерлар таъминлаб беради (бюджет секторидан ташқари). Айни пайтда, Швеция иқтисодиётида кластерларда, гарчи улар камроқ кўламга эга бўлса-да, меҳнатга яроқли аҳолининг 39 % банд. Кластерлардаги меҳнат унумдорлиги даражаси ва иш ҳақи миқдорлари мамлакатнинг ўртача кўрсаткичидан анча юқори эканлигини таъкидлаш лозим. АҚШ да кластер томоиилига асосан ташкил этилган ишлаб чиқариш секторларида товар ва хизматлар минтақадан ташқарига экспорт қилинади ва иш ҳақи ўртача кўрсаткичдан 29 % га юқори” [10,Б.22]

Кластер усули талаблар ва имкониятлар уйғунлиги фалсафаси ва этномаданий туризм бозорини ўрганиш учун кизикарли мавзудир. Кластер ижтимоий иқтисодий манфаатлар атрофида ҳамкорлик қилиш, ички потенциалдан фойдаланишни юқори поғонага кўтариш усули. Уни хўжалик фалсафаси нуктаи-назаридан тадқиқ этиш этномаданий туризм комплексини бор ички салоҳияти ва зиддиятлари билан англашга ёрдам беради. Бозор

иктисодиёти, ўз хусусиятига кўра, зиддиятли ҳодиса, унда нафақат кизиқиш ва манфаатлар тўқнашади, шу билан бирга инсонга, ҳаёт ва келажакка бўлган муносабатлар ҳам бир-бирига рўпара келади. Бу тўқнашувлар этномаданий туризм бозорини ва комплексини қаерга олиб боришини олдиндан башорат қилиш имконини бермайди, бироқ у инсоннинг этномаданий туризмга маънавий эҳтиёжи, кизиқиши ва талаби борми ёки йўқ, деган саволга жавоб беради.

“Кўпгина давлатларнинг туризм соҳасидаги тажрибаси шундан далолат берадики, кластерлар иқтисодиётнинг юқори самарадорликка эришишига имкон яратади, шу тарзда миллат равнақи таъминланади ҳамда аҳоли фаровонлиги янада ортади. Кластерларни шакллантириш мамлакатда мавжуд бўлган туристик ресурслар ҳамда афзалликлардан янада тўлиқроқ фойдаланишга имкон яратади. Кластерларни шакллантиришнинг “янги оқими” 1990 йилларнинг бошларига тўғри келади ва кластерлар мезоинтеграциялашувининг объектив тенденциясини реал ҳаётга тадбиқ этганлигидан далолат беради. Турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг ягона мақсад сари ҳамкорликда ҳамда ўзаро ҳамжихатликда кластерларга бирлашиши худуднинг ички ресурсларидан янада самарали фойдаланишга имкон беради” [10,Б.23].

Иқтисодчи этномаданий туризмда кластер усулининг самарали ишлаётганига Италия туризм бозорини, тажрибасини мисол қилиб келтиради. “Жаҳон маданий меросининг 60 фоизи шу давлатда жойлашганлиги мамлакатга ҳар йили 80 миллион туристни жалб қилиш имконини бермоқда. БМТ маълумотларига кўра Италия туристларининг ташрифи бўйича Франция ва АҚШ дан сўнг учинчи ўринни эгаллайди. Италия туризм иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бўлган тўқимачилик саноати (кийимлар ва пойафзал ишлаб чиқариш ЯИМ нинг 10,6 фоизи), металлга ишлов бериш, автомобилсозлик индустрияси ва транспорт воситаларини ишлаб чиқариш (ЯИМ нинг 10,1 фоизи) саноатларидан сўнг тўртинчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги вақтда Италия туризм соҳасида ундан ҳам кескин сиёсат олиб бораётган ҳамда хусусий ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилган давлатлар томонидан рақобатга учрамоқда. Бу аввало, туризмдан олинadиган даромадлар ҳажми бўйича АҚШ дан кейин иккинчи ўринда бўлган Францияни ортада қолдираётган Испания давлати ҳисобланади” [10,Б.24]. Мазкур мисолдан маълум бўладики, кластер туризм соҳасидаги рақобатни, зиддиятларни бартараф қила олмайди. Ким ўздига қурилган этномаданий туризм бозори айрим бир фирмаларни, ҳатто комплексларни сиқиб чиқариши, банкротга учратиши мумкин. Шундай экан, этномаданий туризм бозорини ранг-баранглаштирувчи, самарасини оширувчи кластер усуллари мавжуд, бироқ улар рақобатдан, ҳатто банкротга учрашдан халос қила олмайди. Уларга талаблар ва имкониятлар уйғунлиги фалсафаси учун кизиқарли, долзарб мавзу сифатида қараш, шу асосда этномаданий туризм бозорининг ўтмиши, бугуни ва келажакда ҳақида мушоҳадалар юритиш муҳим илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Сноски/ Иқтибослар /References

1. Кант И. Сочинения в шести томах. Том 4. Часть 1. Москва: Мысль, 1965. Б.251 (Works in six volumes)
2. Mac Cannell D. The Tourist: A New Theory of Leisure Class. New York, 1988. p.243-236
3. Рўзиёв Р.Ж., Чориев М.Ш., Хождаев Э.К. Тадбиркорлик фаолиятида мулк ва уни тасарруф этишнинг шартномавий ҳуқуқий асослари. Тошкент: Наврўз, 2014. Б. 54-56 (Contractual legal bases of property and its management in business activity)
4. Булгаков Б.Н. Философия хозяйства. Москва: Наука, 1990. Б.73 (Business philosophy)
5. Глобализация туризма. Курьер ЮНЕСКО, 1999, № 7,8. Б.16-17 (Globalization of tourism)
6. Синдаров К., Жуманазаров И. Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг ҳуқуқий асослари. Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. Б.15 (Legal bases of inspection of business entities)
7. Новиков В.Б. Инновации в туризме. Москва: Академия, 2007 (Innovation in Tourism)

8. Осауленко А. П. Туризм: социально институциональные основы развития. Владивосток Хабаровск: Дальнаука, 2002. С 23-26 (Tourism: social and institutional framework for development)
9. Фромм Э. Бегство от свободы. Москва: Прогресс Университет, 1995 (Escape from freedom)
10. Сафаров Б. Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. Тошкент: Фан ва технология, 2016. Б.20-23 (Methodological bases of innovative development of the national tourism services market)